

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Ахмедов Алибек Баходирович

**Болаларда тиш қаттиқ тўқимаси нокариес касалликларини комплекс
даволаш самарадорлигини клиник-биокимёвий баҳолаш**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ахмедов Алибек Баходирович

Болаларда тиш қаттиқ тўқимаси нокариес
касалликларини комплекс даволаш самарадорлигини
клиник-биокимёвий баҳолаш..... 3

Ахмедов Алибек Баходирович

Клинико-биохимическая оценка эффективности
комплексного лечения некариозных поражений
твердых тканей зубов у детей..... 25

Akhmedov Alibek Bahodirovich

Clinical and biochemical evaluation of the
effectiveness of complex treatment of non-carious
lesions of hard dental tissues in children..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ АЛИБЕК БАҲОДИРОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ТИШ ҚАТТИҚ ТЎҚИМАСИ НОКАРИЕС
КАСАЛЛИКЛАРИНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ
САМАРАДОРЛИГИНИ КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ БАҲОЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.1.PhD/Tib 764 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tsd.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гаффаров Суннатулло Амруллоевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ковач Илона Васильевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Украина)

Камилов Хайдар Пазирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Д.С.Асфандияров номидаги Қозоқ Миллий тиббиёт Университети (Қозоғистон)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100047 Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумкули кўчаси 103-уй. Тел/факс: (+99871) 230-20-65, e-mail: uzmedicine@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Манзил: 100047 Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумкули кўчаси 103-уй. Тел/факс: (+99871) 230-20-65, (+99871) 230-47-99.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кун тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.К.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

У.А.Шукурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Болалар тиш қаттиқ тўқималари нокариоз зарарланишларининг турли шакллари, жумладан, тиш қаттиқ тўқимаси эрозияси билан зарарланиш даражасини юқорилиги кузатилмоқда. Илмий манбаларда «...сўнгги йигирма йил давомида ўтказилган эпидемиологик тадқиқотлар болаларда сут тишлари эрозияси тарқалиши 2-7 ёшда 6 – 50%, доимий тишларда 5-9 ёшда-14%, 9-17 ёшда – 11-100%.....»¹ учраши келтирилади. Сўнгги йилларда болалар орасида тиш қаттиқ тўқималарининг эрозив зарарланиш кўрсаткичлари бутун дунёда ўсиб бормоқда, бу эса муаммонинг даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Тиш қаттиқ тўқимаси эрозиясининг патогенези ҳақида турли хил фикрлар мавжуд бўлиб, кислотали озик-овқат ва ичимликлар, қалқонсимон без функциясининг бузилиши, гипосаливация сабабчи бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Тиш қаттиқ тўқимаси эрозив шикастланиши ўзига хос патоморфологик кўринишга эга бўлиб, ундаги чуқур деструктив ўзгаришлар негизида тиш эмали, дентин ва илдиз цементида деминерализация жараёнлари устунлик қилади. Оғиз бўшлиғи гомеостазига ва организм умумий ҳолатига таъсир этувчи болалардаги тиш қаттиқ тўқимаси эрозиясини замонавий ташхислаш, профилактикаси ва даволаш усулларини таклиф этиш мумкин бўлган концепцияни шакллантириш бугунги кунда болалар стоматологиясининг ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳон миқёсида болаларда тиш қаттиқ тўқимаси нокариес касалликларини комплекс даволаш самарадорлигини клиник-биокимёвий баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда замонавий стоматологияда болаларда тиш қаттиқ тўқимаси эрозиясининг ўзига хос кечишини клиник-функционал хусусиятларини аниқлаш; касалликнинг ривожланиши ва кечиши даврида болалар организмидаги асосий метаболик кўрсаткичларни минерал алмашинуви ва гормонлар спектр таҳлиллари асосида баҳолаш; тиш қаттиқ тўқимаси эрозияси мавжуд болаларда сўлак ва қон зардоби таркибидаги аминокислоталар микдорини биокимёвий таҳлилни ўтказиш; тиш қаттиқ тўқимаси эрозиясини этиопатогенетик асосланган даволаш профилактика усулларини таклиф этиш; даволаш самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тимзимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон талабларига тенглаштириш борасида мақсадли ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда, болаларда тиш қаттиқ тўқимаси нокариес касалликларини олдини олиш, эрта ташхислаш ва комплекс даволашнинг самарадор усулларини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар бажарилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш,

¹ Bardolia P. et al. Prevalence and risk indicators of erosion in thirteen-to fourteen-year-olds on the Isle of Man //Caries Research. – 2010. – Т. 44. – №. 2. – С. 165-168.

ташхис кўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар болаларда тиш қаттиқ тўқимаси нокариес касалликларини комплекс даволаш самарадорлигини клиник-биокимёвий баҳолаш амалиётини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларда тиш қаттиқ тўқимаси нокариес касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш борасида олиб борилган қатор маҳаллий ва хорижий олимлар илмий изланишларида ошқозон-ҳазм тракти касалликлари, эндокрин бузилишлар, кислотали муҳитга эга газланган ичимликлар, шарбатлар истеъмолининг ортганлиги, витамин ва бошқа дори препаратларини чайнаш (витамин С ва аспирин), сўлакнинг кам ажралиши ва паст буфер сиғими, ноқулай экологик муҳит каби омиллар тиш қаттиқ тўқималарининг эрозив зарарланишлари сабаблари сифатида таъкидланган (Новиков В.С., 2006; Пихур О.Л., 2016; Кисельникова Л.П., 2015; Масляк Е.Е., 2015). Муаллифлар маълумотларига кўра, чуқур деструктив ўзгаришлар фонида эмал, дентин ва илдиз цементда деминерализация жараёнлари устунлик қилишини таъкидлаган ҳолда тиш эмали эрозиясини даволаш учун фосфор-кальций ва фтор тутувчи препаратларни маҳаллий аппликация ва электрофорез ёрдамида тўқимага киритиш йўли билан комплекс реминерализацион терапия усули таклиф этилган (Митронин А.В., 2015; Нара А.Т., 2014).

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тиш қаттиқ тўқимаси нокариес касалликлари, жумладан тиш эрозияси патогенези ва микро- ва макроэлементлар, аминокислоталарнинг роли ҳақида кўп янги маълумотлар олинди, бу диагностика ва даволашнинг янги усуллари ҳосил бўлишига олиб келди. Бирга кечувчи тизимли касалликларга эга бўлган беморларда (масалан, эндокрин бузилишлар) тиш қаттиқ тўқимаси эрозиясининг

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

ривожланиш ҳавфи ва оғирлик даражаси анча юқори бўлиб, бундай омиллар кўп жиҳатдан касалликнинг ривожланиши ва клиник кечишига таъсир қилади (Гаффаров С.А., 2008; Хаджиметов А.А., 2014; Тайлакова Д.И., 2017). Бундан ташқари аҳолининг турли қатламлари орасида тиш қаттиқ тўқимаси нокариоз касалликларини эрта ташхислаш, хавф омилларини баҳолаш ва даволаш самарадорлигини ошириш борасида қатор олимлар томонидан илмий тадқиқотлар ўтказилган (Ризаев Ж.А., 2005; Камилов Х.П., 2006; Бекжанова О.Е., 2012; Муслимов О.К., 2019). бироқ, болаларда тиш қаттиқ тўқимаси нокариес касалликларини комплекс даволаш самарадорлигини клиник-биокимёвий баҳолаш такомиллаштирилмаган.

Ушбу йўналишда кўп сонли тадқиқотлар ўтказилганлигига қарамасдан, тиш қаттиқ тўқимаси нокариес касалликларида, хусусан тиш эрозиясини кескинлашувида организмнинг турли тизимларидаги метаболик бузилишларнинг патогенетик механизмларини ролини ўрганиш имконини берувчи маълумотлар етарли эмас, бу мазкур муаммо бўйича батафсил клиник-лаборатор тадқиқотлар ўтказиш заруриятини кўрсатади. Хорижий ва маҳаллий манбалар маълумотларда тиш қаттиқ тўқимаси эрозияси кескинлашувига олиб келувчи сабабларга нисбатан қарама-қарши маълумотларни аниқланиши ушбу тадқиқотни ўтказилишига сабаб бўлди. Келтирилган илмий ишда тиббиётда самарали ва эрта ташхислашнинг етакчи усулларидан фойдаланган ҳолда болаларда тиш қаттиқ тўқимаси эрозияси комплекс даволаш самарадорлиги кенг очиб берилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011400199 «Тиш қаттиқ тўқимаси, пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликларини олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг оптимал усулларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш» мавзусидаги (2014-2018 йй) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган

Тадқиқотнинг мақсади болаларда тиш қаттиқ тўқималари эрозиясини даволаш усулларини клиник-биокимёвий асослаш ва патогенетик даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда тиш қаттиқ тўқимаси эрозиясининг ўзига хос кечишини клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш;

болаларда тиш қаттиқ тўқимаси эрозиясини эрта ташхислашда osteocalcin миқдори ва ишқорий фосфатаза фаоллигининг диагностик аҳамиятини баҳолаш;

тиш қаттиқ тўқимаси эрозияси мавжуд болаларда оғиз суюқлиги ва қон зардоби таркибидаги аминокислоталар миқдорини биокимёвий таҳлил қилиш;

болаларда тиш қаттиқ тўқимаси эрозив нуқсонини комплекс даволашда касалликнинг этиопатогенетик механизмларини бартараф этишга асосланган даволаш усулларини таклиф этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро шаҳридаги мактабгача таълим ташкилотларининг 2016-2019 йиллар давомида 2-6 ёшдаги 440 нафар тарбияланувчилари олинган бўлиб, шулардан, даволаш муолажаларини баҳолаш мақсадида тиш қаттиқ тўқимаси эрозияси мавжуд турли хил жинсдаги 41 нафар бемор ва назорат гуруҳи сифатида 25 нафар соғлом болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети болаларда тиш қаттиқ тўқимаси нокариес касалликларини комплекс даволаш самарадорлигини клиник биокимёвий баҳолашда 43У- шаклдаги стоматологик карта, сут тишлар, тиш қаттиқ тўқимаси, оғиз суюқлиги ва қон зардоби материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда болаларда тиш қаттиқ тўқимаси нокариес касалликларини комплекс даволаш самарадорлигини клиник-биокимёвий баҳолашда клиник, стоматологик, функционал, биокимёвий ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бириктирувчи тўқима органик матрикси шаклланишида аҳамиятли бўлган аминокислоталар миқдорий танқислиги негизида эрозив жараённи юқори жағ фронтал тишлар эмал юзаси кўпроқ зарарланиши ва жароҳат тубининг силлиқлиги билан ўзига хос клиник кечиши илмий асосланган;

болалар организмида паратиреоид гормони миқдорининг ошиши, оғиз суюқлиги таркибида остеокальцин ва ишқорий фосфатаза миқдорининг пасайиши негизида минерал алмашинувининг бузилиши ва тиш қаттиқ тўқимаси эрозияси келиб чиқиши асосланган;

тиш қаттиқ тўқимаси эрозияси аниқланган болалар организмида паратиреоид гормони ва эркин аминокислоталар алмашинувидаги номуносивлик негизида ягона биологик тизимнинг бир қисмини ташкил этувчи оғиз суюқлигидаги салбий ўзгаришлар исботланган;

болаларда тиш қаттиқ тўқимаси эрозиясини этиопатогенетик даво мақсадида аминокислоталарни қўллашнинг самарали натижаси клиник-биокимёвий текширишлар орқали асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тиш қаттиқ тўқимаси эрозияси мавжуд болаларда оғиз суюқлиги ва қон зардоби аминокислота статусининг бузилишларини инобатга олган ҳолда тавсия қилинган аминокислота-витамин комплекси қаттиқ тўқималар минерализациясини яхшилаши клиник-биокимёвий таҳлил натижалари орқали асосланган;

тиш қаттиқ тўқимаси эрозиясини тавсия этилган комплекс даволаш усули пломбалар чегара мослашишининг узоқ вақт ижобийлиги сақланиши ва кузатувнинг турли даврларида қониқарсиз натижалар фоизини сезиларли даражада камайтириши аниқланган;

тўқиманинг салбий омилларга қаршилигини ошириш тишларнинг реставратив даволаш самарадорлиги учун асос бўлиши исботлаган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги,

тадқиқотда қўлланилган ўзаро бир-бирини тўлдирувчи замонавий клиник, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларининг болаларда тиш қаттиқ тўқимаси нокариес касалликларини комплекс даволаш самарадорлигини клиник-биокимёвий баҳолашни такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тиш эмали эрозияси мавжуд болаларда касалликнинг кечиши ва патогенетик хусусиятларини баҳолашда гипоталамо–гипофизар тизим дисбаланси негизидаги метаболик кўрсаткичлар инобатга олинishi асосида яратилган комплекс даво-профилактик дастурлар ишлаб чиқишда ахборот базаси бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тиш қаттиқ тўқимаси эрозиясини олдини олиш, даволаш ва реабилитация жараёнларини такомиллаштириш ҳамда ўз навбатида, ушбу беморлар ҳаёт сифатини ошириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда тиш қаттиқ тўқимаси нокариес касалликларини комплекс даволаш самарадорлигини клиник-биокимёвий баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

болаларда тиш қаттиқ тўқимаси нокариес касалликларини комплекс даволашда клиник ва биокимёвий кўрсаткичларнинг материалларидан олинган илмий натижалар асосида «Болаларда тиш қаттиқ тўқимаси эрозиясини комплекс даволаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 мартдаги 8н-д/103-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда тиш қаттиқ тўқимаси эрозиясини умумий даволаш курсини қисқартириш, касаллик оғирлашишини олдини олиш ва тиш резистентлигини ошириш имконини берган;

болаларда тиш қаттиқ тўқимасининг эрозив зарарланишини ташхислашда суюқлик хроматографиясидан олинган илмий натижалар асосида «Болаларда тиш қаттиқ тўқимаси эрозиясини ташхислашда суюқлик хроматографияси усули (қон зардоби ва оғиз суюқлиги аминокислота мисолида)» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 мартдаги 8н-д/103-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома тиш қаттиқ тўқимаси эрозияси келиб чиқишида оғиз суюқлиги ва қон зардобидаги эркин аминокислоталарнинг патогенетик аҳамиятини очиб бериш имконини берган;

Болаларда тиш қаттиқ тўқимаси нокариес касалликларини комплекс даволаш самарадорлигини клиник-биокимёвий баҳолашда замонавий комплекс ёндашувлари асосида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Бухоро, Хоразм ва Жиззах вилоят болалар стоматологияси ҳамда Бухоро вилоят Вобкент туман стоматология поликлиникалари клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш

вазирлигининг 2021 йил 12 мартдаги 8н-д/103-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши болаларда тиш қаттиқ тўқимаси эрозиясини комплекс даволаш усулларини такомиллаштириш, эрта ташхислаш ва даволаш муддатларини қисқартириш, профилактик ёрдам сифатини ошириш, клиник ва биокимёвий кўрсаткичларнинг меъёр даражасида яхшилаш ҳамда касаллик асоратларини олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблигини, мақсади ва вазифаларини асослайди, ўрганиш объекти ва мавзусини тавсифлайди. Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Болаларда тиш қаттиқ тўқимаси нокариес касалликларини комплекс даволаш самарадорлигини баҳолашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммо бўйича маҳаллий ва хорижий олимларнинг энг замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган, тиш қаттиқ тўқималари эрозиясининг тарқалиши ва ривожланиш омиллари, этиопатогенетик концепциялари, оғиз бўшлиғи аъзоларининг ўсиши ва ривожланишида организмдаги аминокислоталар ва гормонал ҳолатнинг ўрни, болаларда тиш қаттиқ тўқимаси эрозиясини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усуллари чуқур таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Болаларда тиш қаттиқ тўқимаси нокариес касалликларини комплекс даволаш самарадорлигини клиник-биокимёвий баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали сифатида 2016-2019 йилларда Бухоро шаҳридаги мактабгача таълим муассасалари 2-6 ёшдаги 440 нафар тарбияланувчилари тиббий кўриқдан ўтказилган ва уларнинг 43У- шаклдаги стоматологик картаси ўрганилган (1-жадвалга қаранг).

Тадқиқот объектининг умумий характеристикаси (n=440)

Аниқланган зарарланишлар	Текширилганлар сони	Ўши (M±m)	Жинси	
			ўғил n=237	қизлар n=203
Патология йўқ	46(10,5%)	3,25±0,11	15(32,6%)	31(67,4%)
Эмал эрозияси	81(18,3%)	4,9±0,4	50(61,7%)	31(38,3%)
Тиш қаттиқ тўқималари бошқа патологиялар	313(71,2%)	4,8±0,42	172(55%)	141(45%)

Даво муолажаларини баҳолаш мақсадида тиш қаттиқ тўқимаси эрозияси мавжуд турли хил жинсдаги 41 нафар бемор, улардан 25 нафари – ўғил, 16 таси – қиз болалар, назорат гуруҳида 25 нафар соғлом болаларни батафсил клиник кўриқдан ўтказиш бўйича маълумотлар изоҳланган. Даволаш натижаларини баҳолаш учун беморлар 3 гуруҳга ажратилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Текширилган беморларнинг ёши ва жинсий бўйича тақсимланиши

Илмий изланишлар қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилди: эрозив зарарланишларни дастлабки (базавий) баҳолаш (BEWE индекси); Федоров-Володкина (1971) усулида оғиз бўшлиғи гигиеник индексини аниқлаш; тиш қаттиқ тўқималарининг минераллашув даражасини аниқлаш (ТЭР тест) (Окушко В.Р., Косарева Л.И., Луцкая И.К., 1983), эмалнинг реминерализация тезлигини клиник баҳолаш (КОСРЭ) (Т.Л.Рединова ва бошқ., 1988), КПУ+кп индекси, пломбаларнинг ҳолати Г. Рюге (1998) бўйича Э.В. Зайнуллина (2008) модификацияси усулида клиник баҳоланди.

Ҳар бир беморга индивидуал, шу жумладан маҳаллий ва умумий тадбирларни ўз ичига олган даволаш ўтказилди. Беморларни кўриқдан ўтказиш умумий қабул қилинган клиник усуллар ёрдамида амалга оширилди: сўров, стоматологик кўриқ, умумий ва махсус текшириш усулларини қўллаш.

Оғиз бўшлиғини текширганда тишлов, тишлар ва тиш қаторларининг ҳолатига алоҳида эътибор қаратилиди.


Биокимёвий тадқиқотлар олиб борилганда оғиз суяқлигидаги кальцийни тартибга солувчи гормонлар даражаси, суяқ метаболизмининг биокимёвий маркерлари, кальций ва фосфор миқдори ҳамда қон зардоби ва оғиз суяқлигида эркин аминокислоталар миқдори ўрганилди. Бундан ташқари сўлак ажралиш тезлиги ва рН муҳити ўрганилди.

Оғиз суяқлигидаги Д витамини, ПТГ ва остеокальцин даражасини аниқлаш «Mindray» иммунофермент анализаторида амалга оширилди. Олиб борилган текширувларда ПТГ даражаси «I-PTH ELISA» (DSL, АҚШ), витамин Д миқдори «25-Hydroxy Vitamin D ELISA» (Immundiagnostik, Германия), сўлакдаги кальций ва фосфор таркибини аниқлаш «Human» фирмасининг тайёр тўпламлари ёрдамида амалга оширилди. Остеокальциннинг оғиз суяқлигидаги фаоллиги иммунофермент усулида (ИФА усули) «N-MID Osteocalcin» (Nordic Bioscience Diagnostics A/S, Канада) тўплами ёрдамида ўрганилди.

ФТК (фенилтиокарбомаил) аминокислота ҳосилаларининг ЮССХ (юқори самарали суяқлик хроматографияси) таҳлили ўтказилди. Эркин аминокислоталарнинг ФТК ҳосилаларини синтези Steven A., Cohen David услуби бўйича амалга оширилди. ФТК аминокислоталарини идентификациялаш 75x4.6 mm Discovery HS C18 устунида Agilent Technologies 1200 хроматографида амалга оширилди. Табиий стимулланмаган сўлак ажралиш тезлиги (сўлак ажралиш даражаси, мл/дақ) – сўлакнинг тозалаш, ҳимоя қилиш ва минераллаштириш функцияси кўрсаткичи ўлчанди. Оғиз суяқлигининг рН қиймати «BFRL-220» рН-метр (Хитой) ёрдамида баҳоланди.

Тадқиқотга иштирок этиш ва тадқиқотдан четлаштириш мезонлари: ота-онаси ёзма розилиги, организмнинг тадқиқот учун монелик ҳолатлари мавжудлиги (соматик патологиялар), режалаштирилган тадқиқотлардан бош тортиш ҳолатлари кабилар инобатга олинди. 1-йўналиш бўйича эрозияни баҳолаш BEWE индекси бўйича амалга оширилди. Ушбу баҳолаш учун оғиз бўшлиғи олтига алоҳида соҳага бўлинади. Тиш қаттиқ тўқималарининг минераллашув даражасини (тиш тўқималарининг электр ўтказувчанлигини) аниқлаш учун давлат реестрига киритилган ЭЛОЗ-1 русумли мосламадан фойдаландик.

Пломбаларни клиник баҳолаш усули тиш тўқималарининг тиш - пломба чегарасидаги микро - бўшлиқ кенлигига қараб турли кучланишдаги электр токини ўтказиш қобилятига асосланган. Ушбу баҳолашда «Alfa» – 1 балл, «Bravo» – 2 балл, «Charlie» – 3 балл ва «Delta» – 4 баллни ташкил этди. Бундан ташқари, пломбалар чегарасининг ўтказувчанлигини ўрганиш учун электрометрик усулдан фойдаланилди. Пломба ҳолати ва улар чегарасининг ўтказувчанлиги тиш пломбаланиданидан 10 дақиқа, 6 ой ва 12 ой ўтгандан сўнг аниқланди.



2-расм. Текширилган болаларда тиш эмали юза қатламининг де-, ре- ва минерализация жараёнининг баҳоланганлик тавсифи

2-йўналиш бўйича тадқиқотларда сўлакдаги кальций, фосфор, кальциферол, остеокальцин, паратиреоид гормон, ишқорий фосфатаза таркиби, сўлак рН муҳити, оғиз суюқлиги ва қон зардобдаги аминокислоталарнинг миқдорий ва сифат таркиби ўрганилди. Тиреоид ҳолат кўрсаткичлари, кальцийни тартибга солувчи гормонлар даражаси, суяк метаболизмининг биокимёвий маркерлари ва эркин аминокислоталарнинг тиш қаттиқ тўқимаси минераллашув даражасига ва эрозив жараён ҳолатига қай даражада аҳамиятлилиги баҳоланди.

Тадқиқотда тиш қаттиқ тўқималари эрозияси мавжуд 41 нафар бемор тасофидифий саралаш усули билан асосий ва таққослаш гуруҳларига тақсимланди. Тиш эрозиясини даволаш режасини тузишда тиш қаттиқ тўқимасининг зарарланиш чуқурлиги ҳисобга олинди - фақат эмаль чегарасидаги, эмаль-дентин чегарасидаги ҳамда дентиннинг зарарланиши баҳоланди. Асосий гуруҳ беморларида даво муолажалари эрозив жараён чуқурлигига кўра беморларни 3 гуруҳга бўлиб ўтказилди. 1-гуруҳда реминерализацияловчи терапия мақсадида тиш эмалига аппликация усулида фторлак суртилди ва кальций глюконат билан электрофорез ўтказилди. Кальций глицерофосфат кунига 1 таб.дан ва «Адоамин» сиропи 15 мл.дан 3 ой давомида ичиш буюрилди. Бундан ташқари «*Revolution*» суюқ композити билан пломбалаш, пломбага охириги ишлов бериш ва пардозлаш ўтказилди. 2-гуруҳда 1-гуруҳ даволаш муолажаларига қўшимча равишда «*Revolution*» суюқ композити билан пломбалаш ўрнига жараён эмал-дентин чегарасигача чуқурликда бўлганлигини инобатга олиб, 3-4 мм.гача эмал юзасини чархлаш, 37% ли ортофосфат кислотаси билан 5 сония ишлов бериш, сэндвич-техника (нурда қотувчи «Dyagst XP» микрогибрид композит) ёрдамида пломбалаш амалга оширилди. 3-гуруҳда 2-гуруҳга қўшимча равишда дентиннинг зарарланганлигини инобатга олган ҳолда даволовчи таглик «Dysal» дан фойдаланилди. Таққослаш гуруҳи беморларига эрозив жараён чуқурлигига кўра пломбалаш ишлари амалга оширилди.

Комплекс даво мақсадида витаминлар ва аминокислоталар тутувчи Адоамин Сироп 200 мл N1 (флаконт) кунига 1 марта, 15 мл дозада қўлланилди.

Олинган маълумотлар шахсий компютердаги EXCEL дастури бўйича ишлаб чиқилган ўртача арифметик кўрсаткич (M), ўртача стандарт хатолик (m), нисбий қиймат (частота, %), хатолик эҳтимоли (P) каби статистик функциялардан фойдаланиб ҳисобланди. Ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўртача қийматлари ўртасидаги фарқларнинг ишончилигини баҳолаш учун «t» (Стьюдент кўрсаткичи) ишончилик коэффициентида фойдаланилди.

Ўртача қийматлардаги фарқлар $p < 0,05$ аҳамиятлилик даражасида бўлганда қийматлар статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланди. Шу билан бирга, клиник ва лаборатор тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш бўйича мавжуд кўрсатмаларга риоя қилинди (Зайцев В.М. ва бошқ., 2003).

Диссертациянинг «**Тиш қаттиқ тўқимаси эрозияси мавжуд болаларнинг стоматологик ҳолатини клиник баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида эрозия билан даволанган беморларнинг амбулатор карталари таҳлил натижалари, текширилаётган болаларнинг клиник хусусиятлари, шунингдек, ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тадқиқотда иштирок этаётган болаларнинг амбулатор карта маълумотлари таҳлили асосида тиш қаттиқ тўқималарини пломбалаш учун ишлатилган материалларни уч гуруҳга ажратдик: шиша иономер цемент (30 нафар болада), компомер (37 нафар болада) ва композит (59 нафар болада). Амбулатор карта маълумотлари натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2 жадвал

Реставрациянинг сифатини амбулатор карта маълумотлари асосида баҳолаш натижалари

Баҳолаш мезонлари		Реставрацион материал тури					
		Шиша иономер цемент (n=30)		Компомер (n=37)		Композит материал (n=59)	
		абс	%	абс	%	абс	%
Реставрация ҳолати	Қониқарли ҳолат	19	63,3%	16	43,2%	53	89,8%
	Ёриқларнинг мавжудлиги, бутунлигининг бузилиши	11	36,7%	21	56,8%	6	10,2%
Беморлар шикоятлари	Шикоят йўқ	4	13,3%	11	29,7%	45	76,3%
	Дискомфорт, ҳароратга сезгирлик	26	86,7%	26	70,3%	14	23,7%
Беморнинг эстетик даволаш натижаларидан қониқиши	Тўлиқ	8	26,7%	12	32,4%	52	88,1%
	Пломба юзасининг ранги ва/ёки тузилиши ёқмайди	22	73,3%	25	67,6%	7	11,9%

Натижалар шуни кўрсатдики, ёриқларнинг мавжудлиги ва реставрация бутунлигининг бузилиши композитга қараганда шиша иономер цемент ва компомерда кўпроқ кузатилди (мос равишда 36,7%, 56,8%). Ноқулайлик ва

хароратга таъсирчанлик композитга нисбатан шиша иономер цемент ва компомер материалларидан фойдаланилганда кўпроқ қайд этилди (мос равишда 86,7%, 70,3%). Эстетик натижалардан мамнунлиги шиша иономер цемент ва компомерга нисбатан кўпинча композит материал билан реставрация амалга оширилганда қайд этилди (88,1%), аксинча кўрсаткич шиша иономер цемент ва компомерда (мос равишда 26,7% ва 32,4%) кузатилди.

Тадқиқотда иштирок этган болалар анкета сўров натижалари шуни кўрсатадики, тиш қаттиқ тўқималари эрозияси мавжуд болалар кислотали маҳсулотларни сезиларли даражада кўпроқ истеъмол қилишгани ($19,67 \pm 5,1\%$), гипертиреоз ҳамда витамин ва аминокислоталар етишмовчилиги эрозив патологияси мавжуд беморларда юқори (мос равишда $20,96 \pm 5,9\%$; $21,16 \pm 5,8\%$) частотада ва эрозия шаклланишига энг кам таъсир омили бруксизмда ($0,55\%$) эканлиги аниқланди.

Эрозияси мавжуд болаларда тишларни тозалашда тиш чўткасининг горизонтал ҳаракатлари устунлиги ($90,5 \pm 6,4\%$) маълум бўлди. Бундан ташқари тиш қаттиқ тўқималари эрозияси мавжуд болаларда ошқозон-ичак тракти касалликлари $1,16\%$, овқатланишга бўлган талабнинг бузилиши (анорексия ва булимия) $8,85\%$, сўлак ажралишининг паст даражаси, сўлак буфер ҳажмининг пастлиги 19% , қаттиқ чўткада ёки юқори RDA индексли пастада ювиш $8,65\%$ ҳолатларда учраши аниқланди.

Кўриқдан ўтказилганларнинг оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткич таҳлил қилинганда (3-жадвалга қаранг), эрозияси мавжуд болаларда Федоров-Володкина индекси $1,10 \pm 0,13$ баллга тенглиги аниқланди.

3 жадвал

Тадқиқот гуруҳларида оғиз бўшлиғи гигиена даражасини, эрозив емирилишни дастлабки (базавий) баҳолашни ва тишлар кариеси интенсивлигини ўрганиш ($M \pm m$)


№	Аниқланган патология	ГИ	BEWE, абс	КПУ+кп
1	Патология йўқ (n=46)	$1,02 \pm 0,05$	$0,0 \pm 0,0$	$0,0 \pm 0,0$
2	Эмал эрозияси (n=81)	$1,10 \pm 0,13$	$12,8 \pm 0,5^*$	$2,1 \pm 0,3$
3	Тиш қаттиқ тўқималари бошқа патологиялари (n=313)	$2,3 \pm 0,45^*$	$0,0 \pm 0,0$	$5,3 \pm 0,5^*$

Изоҳ: * - соғлом болалар билан таққослаганда фарқлар ишончилилик даражаси $p < 0,05$.

Кўриқдан ўтказилган эрозияси мавжуд болаларда ГИ- $1,10 \pm 0,13$ баллни, тиш қаттиқ тўқималари бошқа патологиялари гуруҳида бу кўрсаткич $2,3 \pm 0,45$ баллни ташкил қилди, шунингдек айнан шу гуруҳда КПУ+кп энг юқори кўрсаткичда ($5,3 \pm 0,5$), эрозияси мавжуд болаларда BEWE индекси ўртача $12,8 \pm 0,5$ баллни ташкил этди.

Тиш эмалининг кислотага қаршилиги (ТЭР тест) синамаси бўйича сезиларли даражада паст кўрсаткичи тиш қаттиқ тўқималари эрозияси ва

бошқа патологиялари мавжуд беморлар гуруҳида қайд этилди (мос равишда $68,3 \pm 4,2\%$ ва $62,1 \pm 4,1\%$), назорат гуруҳида $46,7 \pm 2,1\%$; КОСРЭ-тести эрозияли тишларда ўртача $4,5 \pm 0,2$ кун, бошқа патологияларда $3,8 \pm 0,1$ кунни, назорат гуруҳида ўртача $3,2 \pm 0,2$ кунни ташкил қилди (3-расмга қаранг).



3-расм. Текширилган беморларда тиш эмалининг кислотага чидамлилиги (ТЭР-тест) ва сўлак минерализацияси потенциали (КОСРЭ-тест) кўрсаткичларини қиёсий таққослаш

Тадқиқотимизда биз эмалнинг органик таркибий қисмларини ўрганиш учун лозим бўлган 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган тиш қаттиқ тўқималари эрозияси мавжуд болаларда қон зардоби ва оғиз суюқлиги аминокислота таркибини ўргандик. Чунки айнан оксиллар минераллашув жараёни матрицаси бўлиб, унинг фаол иштирокчисидир. Қаттиқ тўқималарнинг ўсиши, регенерацияси ва бошқа хусусиятлари оксиллар билан боғлиқ. Оксил синтезланишининг камайиши минераллашув жараёни бузилишига олиб келади.

Текшириш натижаларидан кўриниб турибдики, алмаштириб бўлмайдиган (глицин, валин, пролин) ва алмаштириб бўладиган (гистидин, лизин, аргинин) аминокислоталар оғиз суюқлигида сезиларли даражада камайган.

Ўтказилган тадқиқотда тиш эмалида эркин ҳолатда бўлган алоҳида аминокислоталар миқдори тиш эмали эрозияси мавжуд болаларда 1,5-2 баробар кўпайганлиги, бириктирувчи тўқима ҳосил бўлишида иштирок этувчи аминокислоталарнинг эса камайганлиги аниқланди. Ушбу эркин ва оксил таркибига кирадиган аминокислоталар минерал моддалар билан боғланмаган бўлади. Турли омиллар таъсирида уларнинг денатурацияга учраши гидроксиапатитларга таъсир қилинишига йўл очади ва тишлар мўртлашишига ҳамда тирқишлар ҳосил бўлишига олиб келади.

Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, тиш қаттиқ тўқималари эрозив шикастланган болаларда оғиз суюқлиги ва қон зардоби аминокислота

таркибини қиёсий ўрганиш статистик сезиларли фарқлар мавжудлигини кўрсатди.

4 жадвал

Тиш қаттиқ тўқималари эрозияси мавжуд болаларда оғиз суюқлиги ва қон таркибидаги аминокислота таркиби (мг/мл)

Аминокислота	Оғиз суюқлиги		Қон зардоби	
	Соғлом болалар n=25	Бемор болалар n=41	Соғлом болалар n=25	Бемор болалар n=41
Аспарагин к-та	0,44+0,02	0,68+0,01*	0,59+0,04	0,51+0,02
Глутамин к-та	2,42+0,17	3,34+0,12*	3,19+0,24	2,98+0,19
Серин	1,15+0,01	1,09+0,01	1,44+0,02	1,36+0,21
Гистидин	2,74+0,18	2,01+0,16*	3,42+0,26	2,58+0,18
Глицин	2,34+0,18	1,52+0,16*	2,47+0,22	1,61+0,12
Треонин	1,34+0,12	1,27+0,11	1,42+0,12	1,36+0,11
Аргинин	1,86+0,19	1,17+0,13*	2,04+0,17	1,54+0,09
Аланин	1,88+0,17	3,12+0,14*	2,33+0,19	2,42+0,18
Тирозин	1,83+0,16	1,77+0,14	1,98+0,14	1,69+0,14
Валин	3,29+0,31	2,68+0,27*	3,54+0,26	3,38+0,25
Фенилаланин	1,89+0,17	1,82+0,18	2,07+0,17	1,96+0,18
Изолейцин	1,09+0,09	1,02+0,08	1,11+0,09	1,02+0,07
Лейцин	1,76+0,15	1,34+0,11	1,98+0,16	1,59+0,14
Лизин	1,82+0,15	1,35+0,11*	1,92+0,17	1,85+0,19
Цистеин	1,82+0,14	1,77+0,13	1,98+0,18	1,89+0,19
Метионин	0,64+0,05	0,57+0,04	0,85+0,07	0,77+0,06
Триптофан	1,92+0,15	1,81+0,14	2,08+0,18	2,02+0,12
Пролин	2,45+0,19	2,04+0,18*	2,74+0,21	2,69+0,19
Аспарагин	0,75+0,06	0,69+0,06	0,81+0,06	0,78+0,07
Глутамин	8,16+0,61	9,78+1,09	10,54+1,03	11,02+1,13

Изоҳ: * - соғлом болалар билан таққослаганда фарқлар ишонччилик даражаси $p < 0,05$.

Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, оқсил синтези пасайиши ва аминокислота мувозанатининг ўзгариши, айниқса – гистидин, глицин, глутамин ва аспарагин кислоталар, аланин, фенилаланин, лейцин, лизин и цистеин камайиши ўз ортидан оқсил синтези ва минераллашув жараёнлари бузилишларига, оқибатда ташқи ва ички омиллар таъсирида тиш қаттиқ тўқимасининг эрозив шикастланишларига олиб келади.

Тиш эмалига сўлакдан ва пульпа қон томирларидан ўтадиган кальций ва фосфат миқдорини витамин Д бошқаради. Витамин Д нинг фаол шакли кальцитриол ёки 1,25-диоксихолекальциферол бўлиб, у ичакда кальций, фосфат ва магнийни боғлайдиган оқсил синтезини кучайтиради. Меъёрий ҳолатда суяклар ва тиш қаттиқ тўқималаридаги минераллашув ва деминераллашув жараёнлари мувозанатда бўлади. Деминераллашув жараёни коллаген ва коллаген бўлмаган оқсил синтези бузилишларида, қон ва сўлак таркибида кальций ва фосфатлар миқдори камайганида, қон ва сўлак рН ини пасайтирувчи модда алмашинуви махсулотлари миқдори ошганда кучаяди.

Органик матрикс деструкциясини паратиреод гормон (ПТГ), глюкокортикоидлар, ортиқча миқдордаги тиреоид гормонлар кучайтиради. Деминераллашув жараёнлари сабаби микроэлемент ва витаминлар, хусусан витамин Д етишмовчилиги бўлиши мумкин. Витамин Д етишмовчилиги ичакда кальцийни боғловчи оқсил синтези камайишига олиб келади, натижада кальций, фосфат, магний сўрилиши пасаяди. Қон таркибидаги кальций миқдорини меъёрида тутиб туриш учун қалқон олди безидан ПТГ (паратгормон, паратирин) чиқарилади. Оғиз суюқлиги кальций регуляцияловчи гормонлари (медиаторлар)ни текшириш натижалари тиш қаттиқ тўқималари эрозияси бўлган болаларда «қайта тикланиш-деструкция» жараёнлари фаоллашишини объектив баҳолаш имкониятини берди.

5 жадвал

Тиш қаттиқ тўқималари эрозияси мавжуд болаларда оғиз суюқлиги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Соғлом болалар n=25	Бемор болалар n=41
Кальций, ммоль/л	0,77±0,05	0,69±0,04
Фосфор, ммоль/л	3,47±0,28	2,69±0,17*
Кальциферол, нмоль/л	61,01±5,27	15,78±2,34*
Остеокальцин, нг/мл	5,68±0,32	2,54±0,43*
Паратгормон, пг/мл	6,02±4,21	18,59±1,45*
Ишқорий фосфатаза, МЕ/л	59,14±5,0	13,1±3,8*
Сўлак ажралиш тезлиги, мл/мин	0,70±0,08	0,40±0,06*
Сўлак рН	7,05±0,25	6,45±0,10

Изоҳ: * - соғлом болалар билан таққослаганда фарқлар ишончлилик даражаси $p < 0,05$.

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, оғиз суюқлигида ПТГ миқдорининг ошиши гипокальциемига жавоб реакцияси бўлиб, фосфор ва кальцийни суякдан сўлак таркибида оптимал даражага чиқариш мақсадида ошади. Текширилаётган болаларда паратгормон миқдорининг кўплиги суяк тўқимаси ва тиш қаттиқ тўқималари деминерализациясини кўрсатади. Оғиз суюқлигида остеокальцин миқдори камайиши суяк шаклланиши маркери

бўлиб хизмат қилади, у кальций боғловчи оксил синтези етарли эмаслиги, суяк ремоделлашуви жараёнлари тормозлашганини кўрсатади.

Шундай қилиб, тиш қаттиқ тўқималари эрозияси бўлган болаларда метаболик бузилишларнинг ривожланиши остеопороз ва деминераллашувни, тиш қаттиқ тўқималари ва суяк тўқималари синтез жараёнлари секинлашувини кўрсатади. Мазкур патогенетик механизм эмал резистентлигига салбий таъсир қилиб, бу тоифадаги болаларни соғломлаштиришни талаб қилади.

